O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

БУГУНГИ СОНДА:

МАРДЛИК, МАТОНАТ ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ



Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари тизимидаги ислоҳотлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари амалда 3

ҲИНДИСТОН – СЕҲРЛИ ДИЁР

ўзининг гўзал шаҳарлари ва бетакрор тарихий обидалари билан сайёҳларни ҳамон ўзига мафтун этиб келмоқда



Биз киноларда кўрган афсонавий Тожмаҳал тарихий обидаси не-не асрлардан буён инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Иншоот қурилиши ўзимизнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги қадимий биноларга ўхшаб кетади. 7

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ



Президентимиз ташаббуси билан бундан ўн йил олдин таъсис этилган шоира Зулфия номи билан аталувчи мукофот ҳам бу бетакрор истеъдод соҳибасига кўрсатилган эҳтиромдан далолатдир. 8

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston ADOLAT Sotsial-demokratik partiyasi

№ 14-15 (719)
2009 йил, 27 март, жума

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## СИЁСИЙ ФАОЛ ЁШЛАР ЮРТ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

***"Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнида уларнинг иштирокини таъминлаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада республикамиздаги мавжуд барча сиёсий партиялар, шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг роли ва ўрни, улар томонидан олиб бориладиган ишларнинг аҳамияти беқиёс". Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлган давра суҳбатида ушбу фикр бот-бот таъкидлаб ўтилди.***

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва партиянинг Тошкент шаҳар "Ёш адолатчилар" Кенгаши ташаббуси ҳамда Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети қошида фаолият юритаётган "Ёш сиёсатшунослар" клуби ҳамкорлигида ташкил қилинган давра суҳбати "Ёшларнинг сиёсий иштирокини таъминлашда сиёсий партияларнинг ўрни" деб номланди. Тадбирда қуйи палата депутатлари, "Ёш сиёсатшунослар" клуби аъзоларидан иборат ўнлаб ўқувчилар, талабалар ва фаол "Ёш адолатчилар" иштирок этдилар.

Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Юртимиз аҳолисининг ярмидан кўпи – 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз иқтидори ва салоҳиятини тўла намоён қилишлари учун уларга кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор чора-тадбирлар белгиланиб, ҳаётга тадбиқ этиб келинаяпти. Мазкур ислоҳотлар бугун ижобий натижаларни ҳам бераётир. Хусусан, ёшларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Хўш, бу жараёнда сиёсий институтларнинг ўрни қандай бўлиши лозим? Умуман, ҳозирги пайтда мамлакатдаги мавжуд партиялар, жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП ёшларнинг сиёсий фаоллашувига қай даражада ҳисса қўшмоқда?

> ***Менинг энг катта ишончим ва умидим – бугун замонавий тарбия ва билим олаётган, эндигина кучга кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир.***
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Исмоил Саифназаров парламент қуйи палатасининг фаолияти, депутатлар томонидан қабул қилинаётган қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида батафсил сўз юритиш баробарида, давра суҳбати иштирокчиларининг диққат-эътиборини айни шу долзарб масалага қаратди.

(Давоми 2-бетда.)








## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАГА МЕЗБОН

25 март куни пойтахтимизнинг "Ўзэкспомарказ" мажмуида озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва бу соҳаларда қўлланилаётган янги технологияларнинг "Worid Food Uzbekistan – 2009" тўққизинчи ҳамда "Agro Worid Uzbekistan – 2009" тўртинчи халқаро ихтисослашган кўргазмалари фаолият бошлади.

Уларда қишлоқ хўжалиги, чунончи, ўсимликшунослик, чорвачилик, паррандачилик маҳсулотлари, ўғитлар ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш жиҳозлари, иссиқхона хўжалиги технологиялари намойиш қилинмоқда. Кўргазмалар залларида Австрия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Дания, Ҳиндистон, Испания, Италия, Хитой, Малайзия, Польша, Россия, Туркия сингари 26 та давлатдан 80 дан ортиқ компания ва фирмаларда ишлаб чиқарилаётган энг сўнгги замонавий технологиялар билан танишиш мумкин.




Диққатга сазовор жиҳати – уларнинг 40 фоизи Ўзбекистон бозорида ўз маҳсулотлари билан биринчи бор қатнашмоқда. Масалан, Австриянинг "Almi" фирмаси гўштни қайта ишлашда асқотувчи маҳсулотлар таклиф қилаётган бўлса, Германиянинг "Hansa Mixer" компанияси қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи линиялар таклиф этмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Австриянинг "Almi" фирмаси жаҳоннинг ўнлаб давлатларига озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашда қўлланиладиган воситалар, зираворлар экспорт қилади. "Hansa Mixer" компанияси эса шоколад ишлаб чиқаришда ўта мураккаб жараёнларни тежамкор, серунум ва аниқ ишлайдиган технологиялар билан таъминлайди.

Кўргазмаларга қўйилган замонавий ишлаб чиқариш техника ва технологияларини кузатиб юриб, ҳозир дунёнинг кўплаб давлатларини иқтисодий-молиявий инқироз ўз домига тортган бир кезда Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари барқарор ривожланаётгани ҳамда меҳмондўст юртимиз мазкур соҳалар бўйича ўтказилаётган халқаро ихтисослашган кўргазмаларга мезбонлик қилаётгани кўнглимизда ёруғ бир туйғулар уйғотди. Зеро, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси, саъй-ҳаракати ва раҳнамолиги билан бугунги кунда мамлакатимизда халқ хўжалигининг барча тармоқларида юксак ютуқларга эришилмоқда. Биргина 2008 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалигида 4,5, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоиз ўсишга муваффақ бўлинди. Шу боисдан ҳамки, хорижий мамлакатлар, айниқса, Европа давлатлари Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга, ҳамкорликни янада ривожлантиришга астойдил интилмоқдалар.

Кўргазмаларга қўйилган турфа маҳсулотлар ва турли хил замонавий технологик линиялар билан яқиндан таништириш мақсадида 26 март куни бу ерда "Фермерлар куни" бўлиб ўтди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да эл-юрт дастурхонига кўпроқ сифатли озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришга бел боғлаган фермер хўжаликлари вакиллари учун бу кун айни муддао бўлди.

Кўргазмалар фаолияти давом этмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## 7 кун нафаси

### ТАДБИР КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

**Тошкент.** Пойтахтимиздаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида Республика Байналмилал маданият маркази баҳорнинг хуш айёми – Наврўзга бағишлаб, маданий-маърифий тадбир ўтказди.

Унда юртимизда истиқомат қилаётган турли миллатларнинг миллий маданият марказлари жамоалари, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этишди. Миллий маданият марказларининг кўклам шукуҳига уйғун ранг-баранг мусиқий дастурлари тадбир қатнашчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

### АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

**Сурхондарё.** Бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, саховат айёми – Наврўз қадами вилоят ҳудудларида қутлуғ келди. Байрам арафасида бу ерда 66 та ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик объектлар фойдаланишга топширилди.

Масалан, Бойсун туманида умумий қиймати 4,45 миллиард сўмлик 8 та хизмат кўрсатиш ва сервис шахобчалари ишга туширилди. Давлат бюджети ҳисобидан ва ҳомийлар кўмагида қарийб 100 нафар одам иш билан таъминланди.

### МЕҲНАТ – ИНСОН БЕЗАГИ

**Фарғона.** Марғилон шаҳрида "Меҳнат – инсонни безайди" номли меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада 52 та корхона ва ташкилотлар 405 та бўш иш ўринлари таклиф этдилар. Бандликка кўмаклашиш маркази кўмагида иш ахтариб юрган 93 нафар фуқаронинг 73 нафари янги иш жойлари билан таъминланди.

### ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

**Навоий.** Мамлакатимизнинг йирик саноатлашган ҳудудларидан бири – мазкур вилоятда яна бир қўшма корхона ишга туширилди. Ўзбекистон – Канада ишбилармонлари ҳамкорлигида бунёд этилган "Кармана – гипс маҳсулотлари" деб номланган корхона тикланишига 616 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

Қурилиш учун энг зарур материал саналмиш – гипсли картон ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона келгусида йилига 4 миллион квадрат метр ана шундай маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

***Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдаги XII пленуми бўлиб ўтди.***

Пленумда даставвал партия ташкилотининг 2008 йилги фаолияти сарҳисоб қилиниб, вилоят Кенгашининг "Хотин-қизлар" ва "Ёшлар қаноти" Кенгашлари фаолияти юзасидан ҳисоботлари тингланди. Шу билан бирга, туман ва шаҳар партия Кенгашлари томонидан бажарилган ишлар чуқур таҳлил қилинди. Пленум иштирокчилари бу масалага танқидий ёндашдилар, фаолиятда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар беришди. Шунингдек, анжуманда шу йилнинг декабрь ойида бўладиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларга тайёргарлик жараёнини янада кучайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилиб, вазифалар белгилаб олинди.

Пленумда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини амалга оширишда вилоят Кенгаши олдида турган устувор вазифалар ҳам кўриб чиқилди.

Пленум сўнггида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Муҳаббат САПАЕВА.**

## ҚИРҒИЗИСТОНДА 1-ҚАМБАРОТА ГЭСИ ҚУРИЛИШИГА ДОИР МУАММОЛАР ХУСУСИДА

**Қирғизистон Республикаси бош вазири Игорь Чудинов шу йил 16 мартда V Бутунжаҳон сув форумида сўзга чиқиб, «Тўхтағул сув омбори тепасида жойлашадиган Қамбарота ГЭСлари қурилиши ҳали Совет Иттифоқи мавжуд бўлган даврда бошланган, ўша вақтдаги барча Ўрта Осиё республикалари манфаатлари ҳисобга олиниб, экспертизадан ўтказилганлигини» баён қилди. Бу фикр анчайин жиддий бўлиб, масала моҳияти аниқлик киритишни талаб қилади.**

Биринчидан, И.Чудинов шу маънода ҳаққи, Қамбарота ГЭСи лойиҳаси КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1980 йил 9 октябрдаги қарори асосида бошланган, унда СССР гидроэнергетикасини 1981-1990 йилларда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган эди.

Мазкур қарорга кўра СССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида 1984 йил 27 мартда чиқарилган буйруққа биноан, 1 ва 2-Қамбарота ГЭСларини лойиҳалаш ва қурилишнинг асослантирувчи материаллари тасдиқланган эди, холос. Бундан бошқа ҳеч нарса бўлмаган. Амалда бу лойиҳа совет тоталитар даврининг «барқ уриб гуллаган» пайтида туғилган «коммунизмнинг буюк қурилишлари» туркумларига мансуб бўлиб, унинг асосий тамойилларидан бири: «Биз табиатдан хайр-эҳсон кутиб ўтиролмаймиз, балки уни бўйсундириш — бизнинг вазифамиз» деб аталар эди. Мазкур тамойил экология устидан, инсонлар устидан зўравонликка асосланганди.

Иккинчидан, экспертиза деб аталмиш масалага келсак, бундай қараш ҳақиқий воқеликка асло мос келмайди. У даврда экспертизанинг ўзи йўқ эди, КПСС МК ва СССР Министрлар Совети қарорларини ҳеч ким муҳокама қила олмасди. «Партия планлари — халқ планлари» деб аталган мафкуравий тушунча ҳар қандай экспертизадан устун турар ва ақл бовар қилмайдиган қарор ҳам ижро учун директив кўрсатма ҳисобланарди, «экология» тушунчаси эса шўро луғатларида ўзгача фикрловчи, борингки, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасида бўлса ҳам, «совет ҳокимияти душманлари»ни излашни ифодаловчи сўз эди.

Қирғизистон Республикаси вакили ўз нутқида тилга олган даврда табиатдан фойдаланиш, сейсмология, ирригация ва бошқа турдош соҳалар мутахассислари «партиянинг бош йўли»га номенкулатура бюрократияси қонунларига монанд хизмат қилишлари шарт эди. Шу маънода Совет Иттифоқи даврида гўё «барча Ўрта Осиё республикалари манфаатлари ҳисобга олиниб, экспертизадан ўтказилди» деб айтишнинг ўзи анчайин гўллик бўлур эди.

Мутахассисларга маълумки, бу лойиҳа ҳам, «Асрнинг кўламдор лойиҳалари» деб ном олган бошқа лойиҳалар ҳам ҳеч қачон экологик экспертизадан ўтказилмаган эди. Чамаси, Орол денгизининг қуриб қолишидек оламшумул ҳалокатга олиб келган Тўхтағул ва Нурек ҳам Марказий Осиё республикалари «манфаатлари»ни кўзлаб бунёд этилган эди. Қирғизистон «манфаатлари»ни кўзлаб эса улкан мамлакатнинг 15 дан бир қисмини ташкил этган шу ҳудуд радиоактив чиқиндилар ахлатхонасига айлантирилди. Ёки Қозоғистон «манфаатлари»ни дея Семипалатинск полигони вужудга келтирилиб, бу ҳудуд юз йилларга яшаш ва хўжалик фаолияти юритиш учун яроқсиз ҳолатга келтирилмадими?

Совет давридаги Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Марказий Осиё томонга буриб оқизишга доир шов-шувли лойиҳаларнинг қисмати нима бўлди?

Бу рўйхатни яна давом эттиришимиз мумкин.

Ўз-ўзидан аён ва ҳар бир соғлом фикрли кишига тушунарлики, бундан 30 йил муқаддам қабул қилинган бундай лойиҳалар мустақил, холис экспертизадан ўтказилиши керак ва улар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

биринчидан, ушбу лойиҳалар замонавий лойиҳалаштириш ва лойиҳавий қарорлар қабул қилиш даражаларига қанчалик мос келади;

иккинчидан, уларда турли офатлар, табиий ва техноген ҳалокатлар рўй бериши мумкинлиги қанчалик тўлиқ ҳисобга олинган;

учинчидан, ушбу лойиҳалар улар амалга оширилганидан кейин усиз ҳам минтақада таранглашган экологик ва сув таъминоти мувозанатига қандай даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўйлайманки, 1-Қамбарота ГЭСидай улкан миқёсдаги иншоотни техник-иқтисодий асослашни тайёрлашга киришишдан олдин, муқаррар равишда БМТ шафелигидаги комиссия томонидан халқаро, бетараф, холис экспертиза ўтказилиши талаб қилинади. 1-Қамбарота ГЭСи сингари йирик гидроиншоотлар лойиҳаси тўғрисида гап кетар экан, унга тааллуқли барча масалаларга холисона баҳо бера оладиган мутлақо бетараф, обрў-эътиборли мутахассислар ана шундай комиссия таркибига жалб этилиши лозим бўлади.

Замондошларимиз ҳамда келгуси авлодлар учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу масалалардан жаҳон жамоатчилиги диққат-эътиборини чалғитишга уринишлар зинҳор ўзини оқламайди.

**С. ЖИГАРЕВ,**
**«Гидропроект» ОАЖ директори.**

**Ватан ҳимояси – муқаддас бурч**

# МАРДЛИК, МАТОНАТ ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимидаги ислоҳотлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари амалда*

Қуролли Кучлар ва унинг жанговорлик қудрати – Ватан мудофаа қобилиятининг муҳим элементи. Шу нуқтаи назардан, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек: **“Собиқ СССР парчаланганидан кейин юзага келган шароитда, куролли кучларда бошқарув, интизом ва тартиб амалда йўқотилган, мамлакат хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар кундан-кунга кучайиб бораётган бир вазиятда Мудофаа вазирлигини, унинг органлари ва жойлардаги қўмондонлик тузилмаларини шакллантириш ўз вақтида қабул қилинган яккаю ягона қарор бўлди. Кадрлар, энг аввало, офицерлар таркибини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, армия сафларини миллий кадрлар билан тўлдириш, уларнинг тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишини таъминлаш, энг муҳими, мамлакатимиздан жанговор техника ва куроллар олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш ўта муҳим аҳамиятга эга эди”.**

Зеро, Ўзбекистон чет мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини кенг ривожлантирган ҳолда, улар билан ўз ҳарбий-сиёсий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлигини доим кучайтириб бормоқда. Бугунги кунда у қатор нуфузли ва ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона вужудга келтириш, гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига тўсқинлик қилиш бўйича мавжуд муаммоларни (айни кезда халқаро ҳамжамиятда олдида турган бошқа муаммоларни ҳам) ҳал этишга муносиб ҳисса қўшмоқда.



Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш жараёни тор идоравий ечимлар билан чеклангани йўқ. Ҳарбий инфратузилмалар ва саноатнинг мудофаага оид тармоқларини ривожлантиришга катта аҳамият берилаётир. Масалан, сўнгги йилларда мудофаа қобилиятини таъминлашнинг айрим элементларини ривожлантиришга доир мустақил идоравий режалар ва дастурлар – мамлакатнинг ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини таъминлашнинг ягона комплекс режаси ишлаб чиқилди. Бундай ёндашув – мавжуд омиллардан самарали фойдаланиш ва мудофаа қобилиятининг мақбул даражада бўлишини таъминлаш имконини берди.

Айни пайтда армия янги ташкилий тузилмага ўтди. Қисқа фурсатда ҳарбий округлар, чегара минтақалари тузилди. Қуролли Кучларни бошқариш тизими, қўшилмалар ва қисмлар таркиби, уларнинг жойлашуви қайта кўриб чиқилди. Қўшинларнинг моддий-техник таъминоти юзасидан мажмуавий тадбирлар амалга оширилди ва Қуролли Кучларни модернизация қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Улар Мудофаа доктринасига мувофиқ – Мудофаа вазирлиги, чегара қўшинлари бўлинмалари, ИИБ ва МХХ махсус бўлинмалари ҳамда бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олди.

Мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ривожланган демократик давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаларини чуқур ўрганиш асосида Қуролли Кучлар устидан фуқароларнинг самарали назоратини таъминлаш мақсадида республика Мудофаа вазирлиги ҳамда ваколатли бошқа тузилмаларнинг мақсад ва вазифалари қайта кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш борасида қарорлар ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ягона қўмондонлик органи ҳисобланган Қуролли Кучлар Бирлашган штаби тузилди. Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг мутлақо янги шакллари – сержантлик мактаблари, компьютер технологиялари, моделлаштириш ва симуляция услубларидан, шунингдек, ўқитишнинг бошқа замонавий шаклларини қўллашга асосланган тайёргарлик марказларидан фойдаланилмоқда. Яна бир эътиборли жиҳат – контракт асосидаги армияни барпо этиш йўлидан борилмоқда. Ҳарбий хизматни ўташнинг янги муддатлари: муддатли хизматнинг оддий ҳарбий хизматчилари учун – ўн икки ой (аввалги ўн саккиз ой ўрнига), олий маълумотли фуқаролар учун – тўққиз ой қилиб белгиланди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни зарур уй-жой ҳамда маиший шароитлар билан таъминлаш соҳасида кўп ишлар қилинмоқда. Фақат кейинги беш йил ичида ҳарбий унвонлар бўйича маошлар, ҳарбий хизматдан бўшагандан кейинги нафақа миқдорлари икки баравардан зиёдга оширилди. Табиийки, буларнинг ҳаммаси – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, унинг аҳолиси ҳаёти ва хавфсизлиги – бош мақсад эканлигини кўрсатиб турибди.

Маълумки, етарлича кучли сиёсат, иқтисодий ва ҳарбий салоҳият мавжуд бўлиши билан бирга тегишли ҳуқуқий негизнинг ривожлантирилиши – мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мезонларидан ҳисобланади. Чунки, мавжуд ҳуқуқий нормалар ва тегишли қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари ўз ифодасини топган.

Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, замонавий талаблар ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатларни чуқур таҳлил қилиш асосида “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, мамлакатда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик сақланишига кўмаклашувчи хавфсизликни таъминлашнинг яхлит тизими ишлаб туришига мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилган қатор бошқа ҳужжатлар ҳам амал қилмоқда.

Чунончи ушбу мақолани ёзаётган кунларим Тошкент темир йўл вокзалига йўлим тушди. Биласиз, шу кунларда муддатли ҳарбий хизматини ўтаб бўлган аскарлар уйларига қайтишмоқда. Жойларда уларни кутиб олиш маросимлари ҳақиқий байрамга айланмоқда. Мамлакатимиз пойтахти темир йўл вокзалида ҳам ўша куни юзлаб ота-оналар, жамоатчилик вакиллари ана шундай маросимга тўпланишган эди.



Поезддан тушаётган юзлари қувончга тўла аскарларнинг бири билан суҳбатлашдим. Хизматини Наманганда ўтаб бўлиб, пойтахтда ишлаётган ва ўқиётган опалари ва жиянини кўриб ўтиш учун Тошкентга тушган хоразмлик (Гурлан туманининг “Гулистон” маҳалла фуқаролари йиғинидан) аскар йигит Сарваржон Матёқубов намунали хизматлари учун қўмондонлик томонидан олий ўқув юртига ўқишга имтиёзли тартибда кириши учун тавсия билан қайтаётганини суюниб-суюниб ҳикоя қилди.

– Яна бир имкониятим бор, – дейди у. – Олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари бошлангунча хизматга чақирилгунимга қадар ишлаган жойимда иш ўрним қонунларимизга кўра сақланиб турибди. Ҳозирча ўша ерда уч-тўрт ой ишлаб тураман... Демоқчиманки, ҳарбийларни моддий ва маънавий жиҳатдан изчил қўллаб-қувватлаб келаётган, ижтимоий ҳимояси борасида чексиз ғамхўрлик қилаётган ҳукуматимизга, энг аввало, Президентимизга катта раҳмат...

Бундай миннатдорчилик изҳорларини ўша кезда бутун вокзал бўйлаб ўз ота-оналарига, жамоатчилик вакилларига қувона-қувона сўзлаб бераётган аскар йигитларимизни кузатиб, қалбим фазри тўлди.

Бундан сал олдинроқ худди шундай маросимларда муддатли ҳарбий хизматга чақирилганларнинг армияга кузатиш маросимлари ҳам бўлганини эслаб, мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва юқорида санаб ўтганимдек, уларнинг ҳуқуқий асослари яратилаётганини кўз олдимга келтирдим. Ҳарбий хизмат – мардлик, матонат ва маҳорат мактаби эканлигини бор бўй-басти билан тасаввур қилдим.

**Собир ТУРСУНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси.**

∇ **“01” огоҳлантиради**

## ОЛОВ – ТИЗГИНСИЗ ЁВ

Айрим фуқароларнинг лоқайдлиги туфайли кейинги пайтда содир бўлаётган ёнғинлар қатор оилаларга катта зарар келтирмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида юзга яқин ёнғин ҳолатлари кузатилди. Улар уй эгаларига катта иқтисодий зарар келтирди. Ёнғин сабаблари синчиклаб ўрганилганда, уларнинг аксарияти хусусий ёки кўп қаватли уйларда содир бўлганлиги маълум бўлди. Шубҳасиз, шунинг ўзиёқ лоқайдликнинг мудҳиш оқибатини кўрсатиб турибди.

Шуниси ачинарлики, эҳтиётсизлик ва лоқайдлик айрим ҳамшаҳарларимизга қимматга тушмоқда. Зеро, олов билан ўйнашиб бўлмайди, деб бежиз айтилмаган. Шундай экан, ҳар бир хонадонда ёнғинга қарши хавфсизлик чораларини кўриш зарур. Бундай хушёрликка иморат қураётганда ёки уй-жойларни таъмирлаётганда ҳам эришиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Яъни, янги қурилаётган ёки таъмирланаётган уйларнинг ошхонаси, тандирхонаси, молхонаси, қолаверса, ем-хашак сақловчи хоналарнинг ҳам ўртасида ёнғинга қарши оралиқларнинг бўлишига эришиш жуда муҳим. Икки қўшни хонадон ўртасидаги оралиқни девор билан ажратиш, томдаги ёғоч панжараларга ўтга бардошлилигини оширувчи бўрлар билан ишлов бериш, хоналардаги иситиш мосламаларини тўғри ўрнатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хуллас, ёнғин хавфсизлиги қанча таъминланса, хонадонингиз шунча тинч бўлади. Осойишта турмуш кечирасиз. Бунга эришиш учун ҳамма бош қўшиши, ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қатъий амал қилиши керак. Ана шунда уйимиз тинч, кўнглимиз хотиржам, иморатимиз бутун бўлади.

**Умиджон ҲАСАНОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ меъёрий техника, экспертиза бўлими муҳандиси.**



# Pharmed

**ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

*азиз юртдошларимизни янгиланиш ва нафосат байрами — **Наврўзи олам** билан қизғин муборакбод этади.*

***Баҳорнинг бу бетакрор айёми барчамизнинг хонадонимизга файз-барака, тинчлик, хотиржамлик олиб келсин.***

СИЗЛАРГА ҲАМИША ОМОНЛИК ТИЛАЙМИЗ!



## «ЎЗТРАНСГАЗ» КОМПАНИЯСИ «ВОДИЙГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқини, юртимиз равнақи ва тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни Наврўз — умумхалқ байрами билан қизғин муборакбод этади.*

Айём шукуҳи барчага қувонч бағишласин. Бунёдкор халқимизнинг яратувчанлик меҳнатига асло кўз тегмасин.
Мардонавор меҳнатимиз маҳсулидан баҳраманд бўлаётган табиий газ истеъмолчиларининг гулгун чеҳрасидан асло табассум аримасин.
Ишчан ва аҳил жамоамизнинг беминнат хизмати уларга доимо манзур бўлаверсин!




## АМУ-ҚАШҚАДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ВИЛОЯТ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ ЭНЕРГЕТИКА ВА АЛОҚА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

***Мамлакатимиз аҳолисини яшариш ва яшнатиш айёми — Наврўзи олам билан чин юракдан муборакбод этади.***
***Қишлоқларимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларда янги зафарлар тилаймиз!***





«ЁҒ-МОЙ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ» УЮШМАСИ
**ҚЎҚОН ШАҲРИДАГИ**

# «EFFEKTIV OIL»

**ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

*Толеи баланд, ризқи бутун халқимизни баҳорий айём —* **Наврўз байрами** *билан муборакбод этади. Меҳру оқибат ва эзгулик байрами — Наврўзнинг ҳар бир они сизларга хуш кайфият бағишласин.*

*Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!*









# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

**Қадрли юртдошлар! Азиз дўстлар!**

*Сизларни баҳор, уйғониш, меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат байрами —* **НАВРЎЗИ ОЛАМ** *билан самимий муборакбод этамиз!*

**Энг қадимий, асл миллий, ғоят ардоқли бу айём барча кўнгилларга шоду хуррамлик, юртга ободлик ва фаровонлик, она заминимизга қут-барака ато этсин.**



*Эзгу қадриятларимиз мангу барқарор бўлсин!*

**ШЎРЧИ ТУМАНИДАГИ**
**"ИЛҲОМ"**
**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ**

азиз юртдошларимизни янгиланиш ва нафосат байрами — Наврўзи олам билан қизғин муборакбод этади.

Баҳорнинг бу бетакрор айёми хонадонимизга файз-барака, тинчлик, хотиржамлик олиб келсин.

Байрам қувончлари йил бўйи қалбингизни тарк этмасин!

**ШЎРЧИ ТУМАНИДАГИ "АКБАР"**
**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ**

*Жаннатмакон Ватанимизнинг барча фуқароларини қутлуғ айём — Наврўзи олам билан чин дилдан табриклайди.*

*Ушбу қувончли кунларда сизларга сиҳат-саломатлик, баркамоллик ва эзгу мақсадларингизни рўёбга чиқаришда ривож тилаймиз!*

**ШЎРЧИ ТУМАНИДАГИ**
**"ХИЗМАТ" ХУСУСИЙ ИШЛАБ**
**ЧИҚАРИШ ТИЖОРАТ ФИРМАСИ**
**ЖАМОАСИ**

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ва бунёдкорлик ишларида шижоат кўрсатаётган барча меҳнаткашларни баҳорий туйғуларга ошно этаётган байрам — Наврўзи олам билан самимий қутлайди.

**Баҳор ва бахт байрами барчамизга муборак бўлсин!**



# НАВОИЙ ШАҲРИ ҲОКИМЛИГИ

*Фасллар келинчаги навбаҳорнинг қутлуғ қадами ила янада гуллаб яшнаётган шаҳримиз аҳли номидан кўҳна Шарқнинг энг улуғ байрами — **Наврўзи олам** билан Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этади!*

*Гўзал юртимизни наврўзий кўрк-таровот, кут-барака, меҳр-оқибат ҳеч қачон тарк этмасин!*





**ЧИРОҚЧИ ТУМАНИДАГИ «ДИЛЛА ЧОРШАНБИЕВ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ**

юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий табриклайди.

**Кўнгилларга бахт ва қувонч олиб кирган баҳорий айём барчамизга муборак бўлсин!**



# ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ВА МЕҲНАТКАШЛАРИ

юртдошларимизни Наврўзи олам — янги кун, янги меҳнат мавсуми, баҳор байрами билан муборакбод этади.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили барчамизга бахт, саодат, фаровонлик ва омад келтирсин!





# «САМАРҚАНД ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ОАЖ ЖАМОАСИ

**Ватанимиз равнақига ҳисса қўшаётган фидойи инсонларни ва Ўзбекистон халқини НАВРЎЗИ ОЛАМ билан чин қалбдан табриклайди.**

**Ҳар тунинг қадр ўлибон,**
**Ҳар кунинг ўлсин Наврўз.**


## ТАЪМИНОТДА МУАММО БЎЛМАЙДИ

*дейди "Самарқанд электр тармоқлари" ОАЖ раҳбари Тошмурод ҚЎЗИЕВ*

Бугун мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида коммунал, маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш ва электр энергияси билан мунтазам таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, жорий "Қишлоқ фаровонлиги ва тараққиёти йили"да марказдан олисда жойлашган қишлоқларда бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш назарда тутилган.

Дарвоқе, Самарқанд вилояти Электр тармоқлари корхонаси жойлардаги электр узатиш ускуналарини таъмирлаш, янгидан электр симларини тортиш ишларини амалга оширмоқда. Бу аҳоли фаровонлигини таъминлашга улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Яқинда иш юзасидан корхонада бўлдик. Раҳбарнинг қабулига кириб-чиқаётганларнинг иши битаётгани уларнинг юз-кўзидан билиниб турарди. Ёнимизда ўтирган отахонларни суҳбатга тордик.

— Маҳалламизда жойлашган эски трансформатор ўрнига ТМ 250 кв.ли трансформатор ўрнатилгандан сўнг электр энергияси таъминоти бирмунча яхшиланди, — дейди Тойлоқ туманидаги "Украч" маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Бойқобилов, суҳбатимизга қўшилиб. — Бу эса аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада жонлантирди. Маҳалламиз аҳолиси ва оқсоқоллари бундан ниҳоятда хурсанд. Шунинг учун ташкилот раҳбарига ташаккурнома ёзиб келдик...

— Жорий йилда амалга оширган ишлар салмоғи ниҳоятда кенг, — дейди корхона раҳбари Т.Қўзиев. — Вилоят бўйича 185 километрли электр узатувчи симларни таъмирлаш, 40 километрдан ортиқ янги симёғочлар тортиш ва ўрнатиш режалаштирилган. Айни пайтда вилоятдаги деҳқону фермерлар томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда узилиш бўлмаслиги учун 43,4 километр Л-ПТФ линияси мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Дарҳақиқат, вилоятнинг чекка-чекка қишлоқларига ҳам электр энергиясини ўтган йилларда йўл қўйилган камчиликларни такрорламасдан узлуксиз етказиб беришга ҳаракат қилинаётгани вилоят аҳолисининг фаровонлиги ошишига хизмат қилади, албатта.

Олим ҲАКИМОВ,
"Adolat" мухбири.



